ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00493

АМИР ТЕМУР АХЛОҚ ФАЛСАФАСИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Дўсмурод Хидирович Худойқулов
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти Маънавият ва ёшлар тарбияси Маркази инспектори

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темур фазилатларининг тарбиявий аҳамияти, унинг ахлоқ фалсафасида ватанпарварлик, садоқат, масъулиятлилик ва маърифатпарварлик ғояларининг тарихий асосларининг илмий таҳлилига доир мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: ахлоқий идеал, мерос, фазилат, ахлоқ, ўгитлар, юрт тақдири, адолат, ватанпарварлик.

GENERAL ISSUES OF AMIR TEMUR'S PHILOSOPHY OF ETHICS

Dosmurod Khidirovich Khudoikulov
State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan
Inspector of the Center for Spirituality and Youth Education of the Customs Institute

ABSTRACT

The article describes the educational significance of the qualities of Amir Temur, the scientific analysis of the historical foundations of the ideas of patriotism, loyalty, responsibility and enlightenment in his moral philosophy.

Keywords: moral ideal, heritage, virtue, ethics, fertilizers, destiny of the country, justice, patriotism.

КИРИШ

Тарихий шахслар характеридаги ибратли қирраларни ўрганиш, тарихий воқеалар ҳамда буюк шахслар ҳаётидаги даврлар синовидан ўтган, машҳур тарихий сиймоларнинг фаолиятини тадқиқ этиш ҳар қайси даврда ҳам аҳамиятли бўлган. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур фалсафасини тарихийлик принципи асосида обьектив ўрганиши миллий фалсафа ривожи учун зарур илмий хулосалар беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00493

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари жиддий тадқиқ этишга киришган Амир Темур сиймоси жаҳон олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган бўлиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар яратилган. Ҳозирга қадар ўзбекистонлик темуршунослар асосан Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” номли асарида баён этилган маълумотлар билан чекланилган. Бироқ, Л. Лянгленинг “Темур ҳаёти”, Люсьен Кереннинг “Темурланг” (Париж, 1978), Жон Пол Рокснинг “Темурланг” (Париж, 1991), америкалик шарқшунос олимлар Беатрица Форбес Манзнинг “Темур давлатининг бошқарилиши ва маъмурий тузилиши” (Кембриж, 1989) ва Жон Вудснинг “Темурийлар сулоласи” (Блюмингон, 1990) каби асарлар хорижлик олимларнинг темуршунослик йўналишидаги муҳим манбалар сифатида баҳолаш мумкин.” [1]

Таъкидлаш зарурки, собиқ Иттифоқ даврида ўзининг адолатли фикрлари билан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига объектив ёндашиш кераклигини, тарихий ҳақиқатни аниқ ва тўғри баҳолаш шартлигини айтган академик Иброҳим Мўминовнинг 1968 йилда нашр этилган “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласидан кейин ўзбек матбуотида узоқ вақтгача Амир Темур сиймосининг ижобий томонларини очувчи фикрлар кўзга ташланмади. Олим ўз асарида Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролини тўғри кўрсатиб, унинг шахсига объектив ёндашди. [2]

Ахлоқий идеал муаммоларини ижтимоий фалсафа қонуниятлари асосида тадқиқ этган А.Р.Самадов ҳар бир кишининг ахлоқий идеали, тақдири, эътиқоди, дунёқараши ва воқеликка муносабати келажакка ишонч туйғуси билан белгилайди ва “агар ахлоқий идеалнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти пировард оқибатда комил инсон ҳақидаги тасаввур ва тушунча, эзгулик, яхшилик ва олийжаноблик сингари фазилатлар билан ўлчанадиган бўлса, биринчи бўғинида соғлом авлодни вояга етказиш, иккинчи бўғини баркамол инсон тарбияси, учинчи бўғин комил инсонни шакллантиришга қаратилган коплекс чора тадбирлардан иборатдир. [3] - деган фикрни илгари суради. Соҳибқирон Амир Темурнинг хизмати ижтимоий идеалнинг мазмунини тўлдиради. Шу боис Амир Темур ахлоқий идеалига бўлган эҳтиромнинг умумназарий моҳиятида "Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир" - деган ғоя мужассам. Шу боис Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00493

бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.”[4] – деган даъватида ахлоқ фалсафаси кенг ва бой шахснинг фаолиятини чуқур ва кенг ўрганишни назарда тутган эди. Қолаверса, бу даъватнинг мақсади илмий жамоатчилик томонидан асосланган, далилланган ва эътироф этилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Амир Темурнинг қайси фазилатлари биз учун керак, зарур ва шарт эканлигини илмий асослаш, буюк аждодимизнинг ахлоқи ва маънавий меросини ўрганишнинг зарурияти билан боғлиқ умумназарий масалалар қуйидаги жиҳатларни назарда тутиш лозим:

Биринчидан - Амир Темур қудратли давлатга асос солган ҳукмдор. Агар давлати қудрати бўлмаганда маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда бу омил жуда муҳим ва Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрли бўлиши зарур. Чунки, Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади. Зеро, "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Амир Темур барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир: "...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим.” [5].

Учинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди. Соҳибқирон Амир Темурни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00493

”Илм ва маърифат ҳомийси” сифатидаги фазилати бугунги кунда давлат бошқарувчи, халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиёти ва жамият ривожи учун зарур фазилат ҳисобланади.

Тўртинчидан, Соҳибқирон Амир Темур ўз юртининг тақдирини ўйлаган, халқ ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатган тарихий ва унутилмас шахсдир. Унинг инсоний фазилатлари борасида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бешинчидан, Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим жиҳат сифатида бу - мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишида, дейиш мумкин. Чунки, унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Амир Темур шахси, маънавияти, ахлоқи билан боғлиқ назарий масалаларни илмий ўрганиш зарурияти унинг халқ, давлат, жамият тараққиётини белгиловчи ахлоқий тамойилларни таҳлили билан боғлиқ. Амир Темур шахси ва фаолиятида адолатпарварлик муҳим ўрин тутади. Хусусан, “Темур тузуклари”нинг миллий ва умумбашарий аҳамият касб этиши унинг юксак ахлоқий тамойилларга асосланганлиги ҳам айнан Соҳибқироннинг адолатга бўлган муносабати билан белгиланади. Бундан ташқари, адолатпарварлик Амир Темур фаолиятининг ахлоқий мезони сифатида бўртиб кўзга ташланади.

Ҳозирги авлод учун Соҳибқирон шахсидаги ҳалоллик, жасорат, фаросат, матонат, қатъият каби кўплаб ахлоқий фазилатлар мавжудки, уни ўрганиш, амал қилишни фойдаси ва ҳикмати кўп. Айниқса, тарихий шахслар характеридаги ватанпарварлик фазилатини ҳамда буюк шахслар ҳаётидаги даврлар синовидан ўтган воқеликларни тадқиқ этиш ҳар қайси даврда ҳам аҳамиятли ҳисобланган. Чунончи, Амир Темурнинг ватанпарварлик ғоялари, қарашлари ва даъватларини таҳлил қилиш ахлоқ фалсафаси ривожи билан боғлиқ муҳим илмий хулосаларни беради.

Амир Темур фаолиятидаги ватанпарварлик тамойилининг ғоявий-мафкуравий асослари бугунги кунда ёш авлодни тарбиялашда маърифий-дидактик асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Соҳибқироннинг ватанпарварлик ғоясининг ахлоқий моҳиятини:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00493

а) қатъиятли, шижоатли, масъулиятли ҳамда фуқаролик позициясига эга бўлган шахс қилиб тарбиялашда Амир Темур сиймосининг маънавий жасорат эканлиги;

б) “Темур тузуклари”да Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашнинг прогматик асоси эканлиги;

в) юртимизда ва ҳорижда Амир Темурни “Ватаннинг буюк халоскори” сифатида талқин қилувчи манбаларни ўрганилганлиги;

г) Буюк Соҳибқироннинг маданиятли, тафаккур доираси кенг, санъатни, адабиётни яхши тушунадиган, ватанпарвар ва ўз халқини севган шахс эканлиги каби ахлоқий сифатлар билан белгилаш мумкин

ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳазалардан адолат ва адолатпарварлик, ватанни севиш ва ватанпарварлик Амир Темур ахлоқ фалсафасининг бош мезони эканлигини англаш қийин эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов 1996 йилда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда: “Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка ва тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ.” [6] - деганда айни ҳақиқатни айтган эди.

REFERENCES

1. Ҳамроева М.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (Амир Темур образларининг насрий талқини). Дисс. филол. фан. ном. -Термиз, 2008. 15 б.
2. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар ва маълумотлар асосида). 2-нашр. –Тошкент: Фан, 1993.
3. Самадов А.Р. Ахлоқий идеалнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва унинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти. Дисс. фалс. фан. ном. –Тошкент: 2010, -85 б.
4. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 205.
5. Темур тузуклари. –Тошкент: “Шарқ” НМАК, 1996. -31 б.
6. Каримов И. Маънавий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 414 б.